ларини Япония, Германия ҳукуматлари кредитлари ҳисобидан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўқув муассасаларига хорижий давлатлардан бегараз ёрдам сифатида ҳам ўқув техник жиҳозлар келтирилган. Булар сирасига Нидерландия (6,5 минг. АҚШ доллари), Хитой (181,5 минг. АҚШ доллари) ҳукуматлари томонидан компьютер техникалари, Австриянинг "BGS Smartcard" компаниясининг 39 та компьютер тўплами, 2 донa принтер ва 1 донa факс аппарати, Ўзбекистон Республикасининг Исроилдаги элчихонаси томонидан 23 та тўплам компьютер жиҳозлари, Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси томонидан берилган 180 та компьютер тўплами, 4 диапроектор ва 1 донa фрезер дастгоҳларини киритиш мумкин.

Ҳа, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Буюк келажакни соғлом ва баркамол авлодгина кура олади". Бу ҳақиқатга таянган ҳолда жорий йилда фойдаланишга топширилган янги объектлар қаторида шубҳасиз, бутунлай янгича қиёфада бунёд қилинган олимпия заҳиралари спорт коллежлари алоҳида ажралиб туради. Шуни айтиш лозимки, мазкур турдаги касб-хунар коллежлари келажакда республикамизнинг ҳар бир вилоятида фаолият кўрсатади. Дастлаб бундай таълим муассасаларида тахсил олиш имкониятига Андижон ва Хоразм вилояти ўқувчилари муяссар бўлди-

да, балки Марказий Осиёдаги ягона иншоотдир. Ушбу таълим муассасаси 16,5 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда жами 900 ўқувчи тахсил олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Олимпия заҳиралари спорт коллежи ва унинг турли мажмуалари жуда қисқа фурсатда, бор-йўғи бир йилда қуриб битказилган бўлса-да, бу ерда қурувчилар томонидан катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Коллежнинг асосий ўқув корпуси маҳаллийлаштириш дастурига асосан республикамизда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланди. Коллеж спорт манежи ва мажмуа ўйингоҳини эса немис ва француз ҳамкорларимиз илгор технологиялар асосида жиҳозлаб бердилар.



Vazirlar Mahkamasining 2001 yil 14 avgustdagi "Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarning moddiy-texnika bazasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 338-sonli qarori asosida to'qqiz yillik ta'limga o'tish davri 2009 yilgacha davom etishi nazarda tutilmoqda. Shu bois Respublika ta'lim tizimi islohotiga qaratilgan hukumatimiz tomonidan ishlab chiqilgan Kadrlar tayyorlash milliy dasturiga ko'ra, 2002-2003 o'quv yilida umumiy o'rta ta'lim maktablarining IX sinfini bitirgan o'quvchilarning X sinfda o'qishlarini davom ettirishlariga to'g'ri kelmoqda. Shuning uchun hozirda barcha umumta'lim fanlari bo'yicha o'tish davri dasturlari tuzildi, qayta ishlangan darsliklar nashrga topshirildi.

Bundan tashqari, Avloniy nomidagi Markaziy va viloyat pedagoglarning malakasini oshirish institutlarida X sinf dasturlari yuzasidan (kaskad usulida) metodist va amaliyotchilar bilan mualliflik kurslari tashkil etildi.

Yangi o'quv yili boshlanishi oldidan lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosida yaratilgan darsliklar uchun. Barcha umumta'lim fanlaridan tuzilgan dasturlar buyurtma asosida chop etilib, joylarga etkazilmoqda. Joylardagi ehtiyojni to'laqonli qondirish maqsadida gazeta sahifalarida ham dasturlarning qisqacha mazmun-mundariyasi berib boriladi. Toki undan har bir o'qituvchi voqif bo'lgan holda samarali foydalana olsun. Ushbu sonda fizika, algebra va analiz asoslari hamda geometriya o'quv fanlari dasturlari bilan tanishishingiz mumkin.

Mazkur dasturni tuzishda umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-9-sinflarida o'quvchilarning fizika, 5-9-sinflarida matematikadan Davlat ta'lim standartlari asosida olgan bilimlarini chuqurlashtirish va davom ettirish nazarda tutilgan. Ma'lumki, amaldagi o'n bir yillik umumta'lim maktablarining 10-11-sinflari uchun fizika, algebra va analiz asoslari hamda geometriya fanlari dasturlaridagi ayrim mavzular Davlat ta'lim standarti va yangi o'quv dasturi tarkibiga kiritilgan, chunki umumiy o'rta ta'lim maktabining bitiruvchilari mazkur fanlarning umumiy kursining barcha bo'limlaridan ma'lum darajada tugallangan bilimlarga ega bo'lishlari zarur ekanligi inobatga olingan. Shu munosabat bilan 10-sinf fizika, algebra va analiz asoslari hamda geometriya fanlari dasturiga quy sinflarda o'rganilmagan yoki ayrim mavzularning berilishida o'quvchilar yoshini e'tiborga olgan holda mavzular soddalashtirib va qisqacha ma'lumot berib ketilgan boblar kiritilgan.

FIZIKA — X sinf (136 soat)

Suyuqlik va gazlar mexanikasi (7 soat)

Harakatlanuvchi suyuqlik va gazlarning bosimi. Samolyot qanotlarining ko'tarish kuchi. Bernulli tenglamasi. Quvrda oqayotgan suyuqlikning bosimi bilan tezligi orasidagi bog'lanishdan texnikada foydalanish.

Ko'rgazma va tajribalar

1. Jismlarning suyuqlikda suzishi va havoda parvozi.
2. Kesim yuzi har xil bo'lgan quvurlarda suyuqlik bosimi bilan tezligi orasidagi bog'lanish.
3. Samolyot qanotini ko'tarish kuchi. Elektrodinamika.

I. Elektr maydon. (29 soat)

Elektr zaryadning saqlanish qonuni. Kulon qonuni. Elektr maydon kuchlanganligi. Maydonlar superpozitsiya prinsipi. Nuqtaviy zaryadning elektr maydon kuchlanganligi. Elektrostatistik maydonda o'tkazgich. Elektrostatistik maydonda dielektriklar. Dielektrikning ikki turi va uning qutblanishi. Dielektrik singdiruvchanlik. Bir tekis zaryadlangan o'tkazuvchi sharning va tekislikning elektr maydon kuchlanganligi. Zaryadni ko'chirishda elektr sig'imi. Kondensatorning bajarigan ishi. Potensial. Bir jinsli elektrostatistik maydondagi zaryadli jismning potensial energiyasi. Elektrostatistik maydon kuchlanganligi bilan potensiallar orasidagi munosabat. Ekvipotensial sirtlar. Potensiallar ayirmasi. Elektr sig'im. Elektr sig'im birligi. Kondensator. Yassi kondensatorning elektr sig'imi. Kondensatorning har xil turlari. Kondensatorlarni ulash. Zaryadlangan kondensatorning energiyasi, kondensatorning qo'llanilishi. Elektr maydonning energiyasi.

Ko'rgazma va tajribalar.

1. Elektrometring tuzilishi va ishlashi.
2. Kulon qonuni.
3. Zaryadlangan sharlarning elektr maydoni
4. Elektr maydondagi o'tkazgichlar
5. O'zgaruvchan va o'zgarmas sig'imli kondensatorlarning tuzilishi va ishlashi.
6. Yassi kondensator elektr sig'imining plastinkalari yuzi, ular orasidagi masofa va muhitning dielektrik singdiruvchanligiga bog'liqligi.
7. Zaryadlangan kondensatorning energiyasi.

2. O'zgarmas tok qonunlari. (18 soat)

O'zgarmas tok elektr toki. Tok kuchi. O'tkazgichdagi elektronlarning tartibli xarakatining tezligi. Zanjirning bir qismi uchun Om qonuni. Qarshilik va uning birligi. O'tkazgichlarni ketma-ket va parallel ulash. O'zgarmas tokning ishi va quvati Joule-Lens qonuni. Elektr yurituvchi kuch. Berk zanjir uchun Om qonuni.

Laboratoriya ishi.

1. Lampochkaning quvvatini aniqlash

Ko'rgazma va tajribalar.

1. Ketma-ket va parallel ulangan zanjirlarda tok va kuchlanishning taqsimlanishi.
2. Tok kuchining manbaning EYUK va zanjirning to'liq qarshiligiga bog'liqligi.

3. Magnit maydoni. (12soat)

Toklarning o'zaro ta'siri. Magnit induksiya. Magnit induksiya vektorining moduli. Amper kuchi. Lorens kuchi. Elektr o'lchov asboblarning ishlash prinsipi. Ovoz karnayi (gromkovaritel). Moddaning magnit xossalari. Ferromagnetiklar. Elektronning solishtirma zaryadini aniqlash. Siklik tezlatgich.

Laboratoriya ishi.

Magnit maydonning tokka ta'sirini kuzatish.

Ko'rgazma va tajribalar.

1. Parallel toklarning o'zaro ta'siri.
2. Magnit maydonning tokka ta'siri.
3. Ampermetr va voltmetring tuzilishi va ishlashi.
4. Magnit maydoni ta'sirida elektronlar dastasining og'ishi.
5. Ovoz kamayining tuzilishi va ishlashi.
6. Ferromagnetiklarning domen strukturali modeli.
7. Magnitlangan po'latni qizdirish yo'li bilan magnitsizlantirish.

YANGI DARSLIKLAR VA QO'LLANMALAR YANGI DASTUR ASOSIDA

8. Tovushni magnit usulida yozish.
4. Turli muhitlarda elektr toki. (24 soat)

IV. Turli muhitlarda elektr o'tkazuvchanlik. Metallarning elektr o'tkazuvchanligi. O'tkazgich qarshiligining temperaturaga bog'liqligi. O'ta o'tkazuvchanlik. Yarim o'tkazgichlarda elektr toki.

Yarim o'tkazgichlarning elektr o'tkazuvchanligi va uni temperaturaga bog'liqligi. Yarim o'tkazgichlarning toza va aralashmali o'tkazuvchanligi. Termorezistor. Elektron-teshikli o'tish. Yarim o'tkazgichli diod. Tranzistor. Yarim o'tkazgichli asboblarning qo'llanilishi.

Vakuumba elektr toki. Elektron emissiya. Ikki elektrodli lamp. Elektronlar dastasi. Elektron nunayi. Eritma va elektrolit aralashmalarda elektr toki. Elektroliz qonunlari. Elektrolizning qo'llanilishi. Gazlarda elektr toki. Gazlarda mustaqil va nomustaqil razryadlar. Plazma haqida tushuncha MGD-generator.

Ko'rgazma va tajribalar.

1. Metallar qarshiligining temperaturaga bog'liqligi.
2. Yarim o'tkazgichlar qarshiligining temperaturaga bog'liqligi.
3. Termorezistorning ta'siri.
4. Yarim o'tkazgichli diodning bir tomonlama elektr o'tkazuvchanligi.
5. Yarim o'tkazgichli diodda tok kuchining kuchlanishga bog'liqligi.
6. Tranzistorda elektr teshikli o'tish.
7. Tranzistor yordamida o'zgarmas tokni kuchaytirish.
8. Termoelektron emissiya.
9. Vakuumbli diodning bir tomonlama elektr o'tkazishi.
10. Elektron nur trubkasining tuzilishi va ishlashi.
11. Suv va tuz yoki kislota eritmasining elektr o'tkazuvchanligini solishtirish.
12. Mis II sulfat eritmasining elektrolizi.
13. Nomustaqil razryad.
14. Past bosimli gazlarda mustaqil razryad.
5. Elektromagnit induksiya. (14 soat)

Elektromagnit induksiya qonunining kashf etilishi. Magnit induksiya oqimi. Induksion tokning yo'nalishi.

Lens qoidasi. Elektromagnit induksiya qonuni. Harakatlanuvchi o'tkazgichlarda induksiya EYUK. O'zinduksiya. Induktivlik va uning birligi. Magnit maydon energiyasi. Elektromagnit maydon.

Ko'rgazma va tajribalar.

1. Elektromagnit induksiya.
2. Lens qoidasi.
3. Induksiya EYUKning magnit oqimining o'zgarish tezligiga bog'liqligi.
4. O'zinduksiya.
5. O'zinduksiya EYUKning o'tkazgich induktivligiga va zanjirdagi tok kuchining o'zgarish tezligiga bog'liqligi.

1.Elektromagnit tebranishlar (20 soat)

Tebranish konturi. Tebranishlar konturida energiyaning bir turdan ikkinchi turga aylanish.

Garmonik tebranishlar. Tebranish amplitudasi, davri va chastotasi. Tebranishlar fazasi. Tebranish konturidagi erkin tebranishlar chastotasi.

Avtotebranishlar. So'nmas tebranishlar generatori (tranzistorli)

Majburiy elektr tebranishlar. O'zgaruvchan tok. O'zgaruvchan tok generatori. Tok kuchi va kuchlanishning ta'sir qiyamati. O'zgaruvchan tok zanjiridagi aktiv qarshilik. O'zgaruvchan tok zanjiridagi aktiv, sig'im va induktiv qarshiliklari. Elektr zanjiridagi rezonans. Transformator. Elektr energiyasini uzatish va undan sanoat, transport va qishloq xo'jaligida foydalanish.

Ko'rgazma va tajribalar.

1. Tebranish konturida past chastotali erkin elektromagnit tebranishlar.
2. Erkin elektromagnit tebranishlar chastotasining konturning induktivligi va elektr sig'imiga bog'liqligi.
3. O'zgaruvchan tok ossilogrammasi.
4. Tranzistorli generatorda so'nmas elektromagnit tebranishlari.
5. Elektr rezonans.
6. Magnit maydonida cho'lg'amni aylantirib, o'zgaras tok hosil qilish.
7. O'zgaruvchan tok generatorining tuzilishi va ishlashi (modelda).
8. Transformatorning tuzilishi va ishlashi.
9. Kuchaytiruvchi va pasaytiruvchi transformator

yordamida elektr energiyani uzoq masofalarga uzatish.

Fizpraktikum (6 soat)

Takrorlash (4 soat)

Ekskursiya (2 soat)

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. N.M.Shaxmaev, D.Sh.Shodiev. Fizika - 10. - T.: "O'qituvchi", 2000;
2. N.M.Shaxmaev, S.N.Shaxmaev, D.Sh.Shodiev. Fizika - 11. - T.: "O'qituvchi", 2001;
3. B.B.Buxovsev, M.G.Myakishev. Fizika. 10 - sinflar uchun darslik. T.: "O'qituvchi", 1996;
4. M.G.Myakishev, B.B.Buxovsev. Fizika. 11 - sinflar uchun darslik. T.: "O'qituvchi", 1998;

ALGEBRA VA ANALIZ ASOSLARI - X sinf

(xaftasiga 3 soatdan, umumiysi 68 soat)

I. Tenglamalar va tengsizliklarni yechish - 16 soat

- 1) Teng kuchli tenglamalar (almashtirishlar);
- 2) Ko'rsatkichli va logarifmik tenglamalarni yechish;
- 3) Teng kuchli tengsizliklar;
- 4) Ko'rsatkichli va logarifmik tengsizliklarni yechish;
- 5) Ko'rsatkichli va logarifmik tenglamalar va tengsizliklar sistemalari;
- 6) Takrorlashga doir mashqlar.

II. Trigonometrik tenglamalar - 30 soat

- 1) Trigonometrik formulalar (takrorlash).
- 2) Sinuslar yig'indisi va ayirmasi. Kosinuslar yig'indisi va ayirmasi.
- 3) $\cos x$ q a tenglama.
- 4) $\sin x$ q a tenglama.
- 5) $\tan x$ q a tenglama.
- 6) Trigonometrik tenglamalarni yechish.
- 7) Takrorlashga doir mashqlar.

III. Trigonometrik funksiyalar - 8 soat

- 1) Trigonometrik funksiyalarning aniqlanish sohasi va qiymatlar to'plami;
- 2) Trigonometrik funksiyalarning juftligi, to'qligi va davriyligi;
- 3) $y = \cos x$ funksiya, uning xossalari va grafigi;
- 4) $y = \sin x$ funksiya, uning xossalari va grafigi;
- 5) $y = \tan x$ funksiya, uning xossalari va grafigi;

Dastur

6) Takrorlashga doir mashqlar.

IV. Trigonometrik tengsizliklar - 6 soat

- 1) $\cos x > a$ tengsizlik;
- 2) $\sin x > a$ tengsizlik
- 3) $\tan x > a$ tengsizlik.
- 4) Trigonometrik $\tan x > a$ tengsizliklarni yechish.
- 5) Takrorlashga doir mashqlar.

V. Teskari trigonometrik funksiyalar - 8 soat

- 1) $y = \arcsin x$ funksiya, uning xossalari va grafigi
- 2) $y = \arccos x$ funksiya, uning xossalari va grafigi
- 3) $y = \arctan x$ funksiya, uning xossalari va grafigi

X sinf algebra va analiz asoslari kursini takrorlash - 15 soat

FOYDALANADIGAN ADABIYOTLAR:

1. Sh.O.Alimov va boshqalar, "Algebra" 9-sinflar uchun darslik, T., "O'qituvchi", 2002;
2. Sh.O.Alimov va boshqalar, "Algebra va analiz asoslari", 10-11-sinflar uchun darslik, T., "O'qituvchi", 2002 (4-nashri);
3. Ш.А.Алимов и другие, "Алгебра и начало анализа", учебник для 10-11 классов общеобразовательного школ, М., «Просвещение», 2000 (8-издание)

GEOMETRIYA - X sinf

(haftasiga 2 soatdan, jami 68 soat)

I. Planimetriya mavzularini takrorlash - 10 soat

- 1) Uchburchaklar;
- 2) To'rtburchaklar;
- 3) O'xshash figuralar;
- 4) Uchburchaklarni yechish;
- 5) Geometrik figuralarning yuzlari;
- 6) Koordinatalar metodi;
- 7) Uchburchak tomonlari va burchaklari orasidagi munosabat;
- 8) Vektorlarning skalyar ko'paytmasi;
- 9) Aylana uzunligi va doira yuzi;
- 10) Harakat.

II. Stereometriya aksiomalari - 9 soat

- 1) Stereometriya aksiomalari. Berilgan to'g'ri chiziq va unda yotmaydigan nuqta orqali o'tadigan tekislikning mavjudligi;
- 2) To'g'ri chiziqning tekislik bilan kesishishi;
- 3) Berilgan uchta nuqta orqali o'tuvchi tekislikning mavjudligi;
- 4) Birinchi aksiomaning natijalari;
- 5) Tekislik bilan fazoning ikki yarim fazoga bo'linishi haqida;

III. To'g'ri chiziq va tekisliklarning paralleligini - 11 soat

- 1) Fazoda parallel to'g'ri chiziqlar;
- 2) To'g'ri chiziqlarning parallellik aloamati;
- 3) To'g'ri chiziq va tekislikning parallellik aloamati;
- 4) Berilgan tekislikka parallel tekislikning mavjudlig'i. Tekisliklarning parallellik aloamati;
- 5) Fazoviy fig'uralarning tekislikda tasvirlanishi.

IV. To'g'ri chiziq va tekisliklarning perpendikulyarligi - 13 soat

- 1) Fazoda to'g'ri chiziqlarning perpendikulyarligi;
- 2) To'g'ri chiziqning tekislikka perpendikulyarlik aloamati;
- 3) Tekislikka perpendikulyar to'g'ri chiziqni yasash;
- 4) To'g'ri chiziqning tekislikka perpendikulyarligi xossalari;
- 5) Perpendikulyar va og'ma;
- 6) Uch perpendikulyar haqidagi teorema;
- 7) Tekislikdagi perpendikulyarlik aloamati;
- 8) Ayqash to'g'ri chiziqlar orasidagi masofa;
- 9) Texnik chizmachilikda ortogonal proektsiyalashni qo'llash.

V. Fazoda dekart koordinatalari va vektorlar - 21 soat

- 1) Fazoda dekart koordinatalarini kiritish;
- 2) Nuqtalar orasidagi masofa;
- 3) Kesma o'rtasining koordinatalari;
- 4) Fazoda simmetrik almashtirish;
- 5) Tabiatda va amalda simmetriya;
- 6) Fazoda harakat. Fazoda parallel ko'chirish.
- 7) Fazoviy figuralarning o'xshashligi;
- 8) Ayqash to'g'ri chiziqlar orasidagi burchak.
- 9) Tekisliklar orasidagi burchak;
- 10) Ko'pburchak ortogonal proektsiyasining yuzi;
- 11) Fazoda vektorlar. Fazoda vektorlar ustida amallar.
- 10-sinf geometriya kursini takrorlash - 4 soat.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- A.V.Pogorelov, "Geometriya", o'rta maktabning 7-11-sinflari uchun darslik, T., "O'qituvchi", 1994 y;
- V.A.Gusev, A.G.Mordkovich, "Matematika" ma'lumotnoma, o'quvchilar uchun qo'llanma, T., "O'qituvchi", 1998 y;
- I.S.Petrakov, "Matematika to'garaklari", 9-11-sinflar uchun, T., "O'qituvchi", 1991 y.

Meros

Бу — "Мажлиси-нафои" таъки-расида, номалар мажмуи "Муншаот"-да Навоий шайх муносабат боғлаб, меҳри дилини, чин эътимодини қозонган Мирзобек, Ҳожи Муҳаммад, Ҳожа Юсуф Бурҳон, Ҳофизи Ёрий, Мавлоно Абдулвосеъ, Ҳожа Дехдор, Мир Муртоз, Мавлоно Шайхоб, Мавлоно Аъзий, Сайиди Фиёсиддин, Ҳожа Абдуллоҳ Садр, Абдусаммад Бадахший, Сайиди Камол Качул, шунингдек, те-мурийзода подшоҳ билан улуг амир-ни мактублар воситаси-ла боғлаб тур-ган дабир (мирзо), пайкор (хабарчи) макомидеги Шайх Адилбек, Хусайн Кулибек ва Юсуф Алилар, Жомий ҳақидаги ёдномалар ҳикоя қилинган гоёт хуштаб боғбон йигит Сайиди Фиёс ҳақидаги дилқуш суҳбатлар, гаройиб ҳодиса ва ривоятлар билан музайян сатрлар... Автобиографик ҳужжатли мухтасару пурмаъно лавҳа-лар замирида, айниқса, бугунги нис-батан ёш (ва эҳтимол, ўрта) авлодлар учун исломий-илоҳий руҳият озиғи, шарқона маънавият баҳраси, ҳули ҳасан, ҳусни одоб сабоғи сифатида

дини тиклаётган миллий анъаналар, муқаддас китоблар қаторида ўша маъ-сум, боқира сифатлар ҳам секин-аста ўзининг муносиб ўрни, мавқеини эгал-ласа, мукаррам макomini топса!...

Улуг мураббий зот шахсан фарзанд ўрнида кўрган, фузалою зурафо аҳли-нинг сара йигитларидан яна бир не-часини ёдлаб ўтади. "Мирзобек — инсоният ва хушалоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фақат отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона ва зехни диққат ва маъоний нуқуди (нақдина бойликлари)дин гани эрди ва таъби бу навъ таърифлардин мустағний (эҳтиёжсиз). Бу матлаъ анингдурким:

Кўзунг, не бало, қаро

бўлбуртур,

Ким жонга қаро бало

бўлбуртур.

(Мазкур байтнинг умумий шарҳи навоийшуносликда аввал қайд этил-ган бўлса-да, Мирзобек хотираси учун уни бутун бир ғазал ҳолига келтирган улуг шоирнинг қаламига мансуб

боз устига, бемаҳал ўлим инсон зоти-дан қоладиган яхши от, балким, асос-ли, қонуний шон-шухрат борасида ҳам катта бир мусибат эканлиги шунчалар мухтасар ифодаланган (минг йиллик адабиётимиз, умуммиллий мадания-



бағоят сабуқрух (хуштабиат) киши-дур... Зурафо анинг била мутуйба кўп қилурлар. Ул ширин изтироблар қилурки, яна мужиби (боиси) ҳазл бўлур. Сафоҳат (нодонлик) қилса ҳам, элдин қутулмас. Анга бу "мансаб" Ҳожа Мажиҳиддин Муҳаммад "давлати"дин етишти. Дерларки, анинг учун беш юз байтдин ортиқ ҳажвур бор ва сойир (дарбадар кезувчи, қаландар) халқ учун минг байтдин ортиқ". Навоийдек улуг амир-вазир аъзам, беназир ус-тоз-мураббий, шафику ҳабиб бир зот учун, Мажиҳиддиндек маккор фитна-гардан етган ранжу озорлар боис, ач-чиқ киноя туйғуси ҳам бегона эмас-лигидан далолат бермайдиган бу сўзлар?... Хотироманада сўз устаси, санъаткор муқаллид Абдулвосеънинг таъби назмирубобий шеър иқтидори-дан ёрқин тафсил сифатида матлаъ-байт келтирилади, биз ундан сўнгги бир мисрани кўчирамиз:

Моҳинав гашт аз камони

абрувонат гўшагир...

(Насрий баёни: қошинг камони ваҳмидан янги ой ўзининг булутли

лиғ ҳам қилди ва бу иш анинг била фақир орасида ошноликқа сабаб бўлди." Бу табаррук кўчирма — ик-ти-босда шоир Бадахшийнинг софдилли-ги, шикастадиллиги — самимий тан-қидга марғуб муносабати аён кўриниб турадики, бу ҳатто ҳозирги адабий-танқидий жараён учун ҳам сабоқ бўларли лавҳадир.

Андижонлик истеъдодли шоир, рисоланавис Мавлоно Юсуф ҳақида-ги эсдалик ҳам меҳр, сидку самими-ят мисолидир: "...Фақир таҳсил учун Самарқандга боргонда, ул Андижон-дин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Сигари син (ёшлиги) жиҳати-дин шеърда хомлик бўлса, фақир ислоҳ қилур эрдим. Фақирдин ўзга киши анинг шеърда сўз айта олмас эрди... Ужби (кибру ҳавоси) жиҳати-дин шўхлар (ҳазилкаш мадрасадос-лар) ани Юсуф Сафойи дерлар эрди, ул тағйир (кайфияти) жиҳатидин бе-ҳол бўлур эрди. Аммо яхши суҳбати бор эрди..."

Ва ниҳоят, "Ҳамсатул-мутаҳайи-рин"дан зарифу хуштаб боғбон йи-гит Сайиди Фиёс ҳақидаги нафис хо-тираномани шарҳлаб ўтмасак бўлмас: "Сай-ийд Фиёским, ул боғнинг таъми-ри ва боғбонлиги анга мутаайин

«ФАҚИР БИЛА МУСОХИБДУР...»

хизмат қиладиган, бадийят — фасоҳат мактабининг деярлик унутилаёзган ноёб намуналарини қайта таҳқиқ қилишдек эзгу ният ётади. Ва ниҳоят, улар муъжаз-қатра тafsillar тарзи-да бўлсин, Навоийнинг бенисбат шах-сияти, покдман-хилқати саъжияси, босавоб фаолияти ҳақидаги тасавву-римиз доирасини кенгайтиришга хиз-мат қилади.

Чунончи, улуг устоз ва мураббий шоир "Мажлиси..."да Ҳофизи Ёрийни ёд этиб ёзади: "...Хуш суҳбат ва ширин калом киши эрди ва қироат ил-мини қилур эрди ва ҳамиша фақир била мусохиб эрди. Мавъиза (ваъз-на-сиҳат)да инсоф бобида бу байт анингдурким:

Гарам бар сар ҳазор
ояд бало шойистаи онам,
Кли ҳастам бадтарин аз
халку худро нек медонам"

Байтнинг насрий мазмуни: бошим-га минг балолар ёғилсин, бунга мен сазовордурман, халқнинг ёмондан ёмониману ўзимни яхши деб била-ман.

Мазкур ёдноманинг сўнгги жумла-си маълум маърифий аҳамиятга эга: "Ихлосия мадрасасида фавт бўлди ва кўчаи Сафо бошида кўйилди". Биз "Ихлосия", "Халосия" каби пурхайр бинолар мажмуини улуг амир ўзи бош бўлиб қурдиргани ҳақида билардик (хусусан, "Ихлосия"нинг тилга олин-иши шоир Ёрий "ҳамиша... мусохиб"-ларнинг бири эканлиги далолатидир). Лекин Хиротда "кўчаи Сафо" (қандай дақиқ шоирона ном!) деб аталмиш, ўз мазорати бўлган, эҳтимол, қадимий бир маҳалла мавжудлиги, ҳар қалай, мумтоз адабиётимизнинг кўпчилик мухлисларига маълум эмас эди.

Ҳазрат Навоийнинг оталарча меҳр назари тушган, фазлу камолда тенги кам йигитлардан бири машҳадлик Мавлоно Ҳожи Муҳаммаддир: "Кўпрак авқот бу фақир била мусохибдур ва фарзанд ўрнигадур, балки андин ҳам азизроқ..." (бу дил сўзлари аҳли аёл-оила ўчоғи, фарзанддек қалб қароғи-дан толеъи нигун, қисмати бенаво зот учун қанчалар пурдаси қадри экан-лиги, ҳар ҳолда, тасаввур қилса бўла-ди). "Ахлоқда малакийдур, башар су-врати била келган ва атворда фариш-тадур, инсон ҳайъатида зуҳур қилгон". Хусусан, бобомерос "ахлоку атвор" борасида анча-мунча меъёрдан чиқ-қан, аниқроғи, мураккаб, чигал муам-молар тизимига айланган ҳозирги зиддиятли шароитимизда, аввало, Ал-лоҳнинг ўзидан ҳимоят ва ҳидоят йўли-ни илтижо қилиш мумкинлиги, ай-ниқса: "ахлоқда малакийдур, башар су-врати била келган" ёки "атворда фариш-тадур, инсон ҳайъатида зуҳур қил-гон" каби қудсий-илоҳий каломотнинг ўзи қадрсизланганидек, улар замири-даги маънолар-чин инсоний фазлу камол аломатлари фақат ширин бир ҳаёл бўлиб қолди... Иншоаллоҳ, қад-

Бизнинг бу мақолат — суҳбатимиз Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг маълум ва машҳур ёдномалар асарларида тавсифланган, гоҳ шавк билан, гоҳ ўкинчли армон билан ҳикоя қилинган яқин дўсту анис, пири муршид зотлар дунёсидан фарқли ўларок, ўзгача мазмунга эга, бошқача мақсадни кузатади.

байтлардан баъзиларини шарҳлаб ўтиш зарурати бор). Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдин-дур... Ҳайф ва юз ҳайф ва дариг ва юз минг даригким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахли (да-рахти) мевасидин бар емади... Мако-ни равзаи жинон (жаннат боғи) ва руҳига фирдавси аълода макон бўлсин..." Бу қутлуг каломоту санони бир қадар тўлароқ шарҳлашга сўз ожиз...

Мажмуи давони дард қилди,
Дардинки, манга

даво бўлбуртур.

Ажаб нафис зиддиятли мантик: "давоси — дард" ва "дарди ўзи — даво". Бу фақат муҳаббат дунёсига монанд мезон, гаройибу латиф бир меъёр!... Улуг санъаткор таъкидлаб ўтган "қофиялари тарди акс" дегани шу: икки ташбеҳ тақроран ўрин алма-шиб келади-да, муҳаббатдек сеҳрий-мўъжизавий хилқат, чуқур зиддиятли қисматнинг ёлғиз ушшоқ аҳлигина биладиган, бири бирининг тақозоси-га айланган ададсиз дарду алам, қувончу фараҳли туйғулар ифодасига хизмат қилади...

Ишқ ичра анинг фидоси

юз жон,

Ҳар жонки санга фидо

бўлбуртур.

Ўша "тардиакс"нинг яна ўзгача зуҳури: "аннинг фидоси — юз жон", "Ҳар жон... — сенга фидо". Бу санъат усулининг нуқтадон маънолар нисба-ти шундаки, ошиқнинг юзта жони бўлганда ҳам, маҳбуба кўйида жон фидо қилган (ё фидо қилмоққа тайёр) қанча ошиқларнинг ҳар бири учун ба-тамом бағишлаган бўларди...

Нисбати йўқ мардумсевар, мурув-ват паноҳ бўлмиш Навоий ҳазратла-ри умр шамъи бемаҳал сўнгган самар-қандлик Мавлоно Ҳалвоийни бисёр афсус-надомат билан ёдга олади: "Шукуфта таълиқ (очик кўнгли, хуш табиат), яхши чиройлик йигит эрди. Шабоб айёмида (йигит ёшида) фавт бўлди. Умри қисқа учун сўзининг шў-рати ҳам оздур". Қанчалик аламли, на-доматли бўлса, шунчалик ҳаққоний, одил ҳукм: истеъдод соҳибининг "умри қисқа"лиги тўзимсиз даража-да ачинарли бир ҳол, ўрини (мум-тоз адабиётимиз, кенг маънода, мил-лий маданиятимиз учун) тиклаб, тўлдириб бўлмас йўқотиш эканлиги,

тимиз тарихида бундай дардли-алам-ли, аччиқ, армонли мисоллар қанча экан, улар, айниқса, бизнинг асримиз учун бегона эмас).

Ҳам ижодда, ҳам илмда устоди комил, улуг мураббий макомига му-шарраф бўлган Навоий илми балоға, илми аруз, илми саноеъда, ҳаттолик, наққошлик ва мусиқа санъатида мак-таб яратган пири муршид зотлар но-мини ҳамиша чуқур эҳтиром билан ёдлаб ўтади. Чунончи, андижонлик Ҳожа Юсуф Бурҳон ҳақидаги хотирот лавҳаси кўп жиҳатдан қимматлидир: "... Фақр ва фано тарихида сулуқ қилур эрди. Ва тажарруд ва инқитъ (ёлғиз-лик, айрилиқ) расмин кўп масдук ту-тар (маслак даражасида билар) эрди. Ва жамеъи аҳли туруқ (тарикат)нинг соҳиб тариқи эрди ва мусиқий илмин ҳам яхши билур эрди ва фақир (На-воий-Б.А.) мусиқа фанида анинг шо-гирдимен. Кўпроқ ўз шеърига муси-



қий боғлар эрди."

Навоий Султон Хусайн Бойқаро-нинг кўнгличар мажлисларига ўзгача оро берган, "надим (ошно)лик юзи-дан кўп элни тақлид ва ташбеҳ қилур" Мавлоно Абдулвосеъ, Абдулла Дево-на, Ҳожаи Дехдор ҳақида сўзлаб, "аларни аҳли идрок кўп таҳсин қилур-лар" дейди. У, айниқса, Абдулвосеъ шаънига кўп илиқ сўзлар айтади, унинг ноёб истеъдоди ҳақида завқу шавқ билан ёзади: "... Иншо фанида моҳир,

гўшасига яширинди).

Подшоҳ девонида кўп йиллар ҳалол хизмат қилган Мавлоно Ҳожа Афзалга бағишланган лавҳада яхшиликка ёмон-лик, хизматга тўхмат ифодаси сифа-тида юқорида зикр этиб ўтилган ўша номуборак зотнинг номи боз тилга олинади: "Ҳожа Афзал... сиёқ (услу-бият) ва дафтар ва ҳисоб ва зарб ва қисмот (тақсимот) илмида беназир даврондур. Ўн беш йилга яқин ҳазрат Султон соҳибқирон қуллуғида вазирот девони анинг ихтиёрида эрди, Мажи-диддин Муҳаммад бузуғлиғидекам, аҳволига футур етмаган киши қолма-ди, ани дағи подшоҳқа ёмон кўргуз-диким, заруратидин жало (ватандан ҳижрат) қилди..." Мажиҳиддинлар "бу-зуғлиғи", чакимчилиги... Яхшиларга, покдомон, беғуноҳ зотларга қилинган зулму бедодлиқлар ичида ёмондан ёмони, тубанлиқлар ичида тубани! ... Навоийнинг: "аҳволига футур етмаган киши қолмади" дея ортиқ куюниб ёзиши бежиз эмаски, бу сўзлар за-мирида барча замонлар учун сабоқ бўларли, ҳар доим огоҳ бўлишга даъ-ватлар, аччиқ бир ҳақиқат ётади...

Қалам аҳлининг маъбудии, аторуд назари тушган шоирлардан Сайиди Камол Качул ҳақидаги ёдномалар лавҳа ҳам ўзгача маърифий қимматга эга: "... Саёҳат кўп қилгон киши эрди, ул ет-маган ер оз бўлғай эрди. Анинг ҳола-тида кўп таажжуб маҳаллидур. Маш-ҳур мундоқ эрдиким, анинг беш юз минг байти бор, андин ўн икки минг байт маснў (бадий санъатлар билан зийнатланган) истихроҷ қилса (танлаб олса) бўлур". Сўнгра, Ҳожа Абуна-ср Порсо вафотида шоир ёзган марсия-нинг ҳар сатри таърих усулида битил-гани айтади. Улуг шоиримиз ҳуло-саси: "Бу ишлар башар савқи (қудра-ти)дин ташқари учун ани дерлар эр-диким, Аторудин истихроҷ қилибтур". Айниқса, Навоийнинг ярим миллион байтдан ўн икки минггача терма байтлар тарзида ажратиб, саралаб олиши осон гапми? (Улуг шоир сўзла-рига иштибоҳ билдиришга ожизмиз.)

Энди Навоийнинг холис ва одил мунаққид, улуг мураббийлиги мисо-ли сифатида бир-икки лавҳа келти-рамиз. Мавлоно Абдусаммад Бадахший ҳақидаги ёдномадан: "...Бир байтда тажнис ҳаёл қилиб, қофиясин ғалат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилғач, филҳол мутанаббих бўлди (сидқидил-дан тан олди) ва изҳори миннатдор-

эрди, йўлда йўлқутким, аробаларга улугроқ сарв йиғочларни боғлардин сотун олиб..." "Жаҳоноро" боғига эл-тадур эрди..." Сарв қўчатлар юклан-ган арвалар йўлида аста давом этар-кан, Сайиди Фиёс (ҳикоя оҳангидан бу хушхулқ, шоиртабиат йигит улуг амир билан аввал ҳам мулоқотда бўлган кўринади) хиёбонда валиёна руҳ, ажиб бир шуқуҳ ила кезиб юрган икки буз-руквор зот — тенгсиз мусохиблар ис-тиқболига пешвоз чиқади. Салом-алик ва ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг, ҳазрат Маҳдуми Нуран (Жомий) ори-фона мутуйба қилади: "... Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму?... Оё (бу) неча йи-ғоч бўлғай?" (бунда "йиғоч" тажнис-ли сўз: сарв қўчатларининг сони ҳамда уларни бўйма-буй қўйиб, чама-лаб кўрганда ҳосил бўладиган масо-фа ўлчовини ҳам англатади). Жавоб: "Санаббиз: юз тўрт ададдур!" — дей-ди тавозу ила Сай-ийд Фиёс. "Алар (Жомий) дедиларким: "Ажаб ададдур." Фақир (Навоий) дедимким: "Муносиб ададдур, невчунким, "қад"адади била муносибдур". Алар (Жомий, дедилар-ким: "Ростдур", дағи фақирни таҳсил қилдилар..." Вожааб! Икки улуг шоир — анису ҳабиб, валиуллоҳ зотлар ва нозиктаб, ҳули ҳасан соҳиб бобо-гон йигит ораларида гўёки тасодифий бир учрашув асносида зикр этилган сўзлар қанчалар дилқаш, дилхоҳ нуқ-тадон: аввало, "қад" — абжад ҳисоби-да 104 рақамини (сарвлар сонига мо-нанд) билдиради; сўнгра, "ростдур" — бир йўла ҳам сарв дарахтининг расо шакл-шамойилига, ҳам "қад" (қомад) сўзига, ҳам қўчатлар миқдорига нис-батан берилганда мумтоз ийҳом санъ-атининг насрдаги ноёб намунаси намоён бўлади. Хиротнинг фазлу ка-молда солим йигитларидан Сайиди Фиёс билан икки табаррук зот муло-қоти баҳонаи сабаб бўлиб, мазкур муборак ёдномалар ("Ҳамсатул мутаҳаййирин")га умрбоқий маъно ва қиммат бахш этган, яна бир бадий чизги бетакрор миниатюр лавҳа!.. Унинг кўпқиррали: руҳий, маънавий, ахлоқий-тарбиявий, бадийи-..... аҳамияти ҳақида истаганча — қанча-лик шавқу рағбат, ихлосу муҳаббат билан ёзиш мумкин...

Булар — ҳазрат Навоийнинг Руҳи-ят, Маънавият ва Бадийят (фасоҳат) уммонидан шаффоф бир қатра "маъ-ни гуҳари" мисолларидир.

Ботирхон АКРОМ,
профессор

Мактабгача ёшдаги болаларнинг одоб-ахлоқи ва меҳнатга лаёқатли бўлиб ўсишлари таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Болалар ёшлиқдан саломлашиш ва хайрлашишни билишлари, барчага сизлаб мурожаат этишлари, "лаббай", "хўп бўлади", "хуш келибсиз", "рахмат", "саломат бўлинг", "мумкинми", "кечирасиз", "яхши ётиб туринг", "яхши бориб келинг", "марҳамат" каби муомалага хос сўз ва ибора-ларни ўз ўрнида қўллаш, тозалikka риоя қилиш, сочиқ, даструмол, совун, тиш ювиш пастаси ва чўткасидан фойдаланиш, сочни тараш, кийиниш, ўртоқлари билан дўстона муносабатда бўлиш, ўз-ўзига хизмат қилиш, оиладагиларга ёрдам бериш, меҳнат қуро-ларидан тўғри фойдаланиш каби ишларда фаол қатнашиш ўқувига эга бўлишлари керак. Оилада, кўчада, жамоат жойларида, меҳмондорчиликка борганда ўзини тутиши, муомала маданиятини эгаллаши, овқатланиш, кийиниш, саранжом-саришта, меҳнатсевар бўлишни ўрганишлари лозим.

Болаларнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлишида нафосат тарбияси асосий ўрин тутаяди. Бунда мусиқа тинглаш, тасвирий санъат асарларидан завқланиш қобилиятлари ривожланади.

Бола зеҳни ва идрокини ўстиришни 5-6 ёшгача, айниқса, фаоллаштириш керак. Боланинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун теварак-ат-

маъраши, қурбақаларнинг қуриллаши, отларнинг кишнаши, кўнғиз ва чигирткаларнинг чириллашини эшитишга ўргатиш лозим. Токи, бола ҳамма нарсага бефарқ қарамай, балки улардан эстетик завқ олсин.

Боланинг хотирасини ёшлигидан ривожлантириб бориш катталарга кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, Ибн Сино ўн

ўқиганида ҳатто булбул ҳам лол қолиб тинглаган", деб таъриф беришган. Демак, болаларни шеър, қўшиқ матнини ёдлаганда, уни ҳис-туйғу ва оҳанг билан, таъсирчан айтишга ўргатиш лозим.

Ҳозирги кунда болаларнинг мусиқа эшитиш имкониятлари кенг қамровли. Чунки радио, телевидение, театр, қўғирчоқ

Bolangiz maktabga tayyormi?

Ишлари ҳам ўлда-жўлда, унумсиз бўлади. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун бу дардни ёшлиқда тузатиш лозим. Қувнаб ўсган бола соғлом бўлади. Мактабгача ёшдаги муассасалар ва бошланғич синф ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда

юзага кела бошлайди. Масалан, қандай ўйин ўйнагани, радиодан эшитганлари, телевизордан кўрган мультфильми ҳақида, орадан бир неча вақт ўтказиб, бирон воқеа ёки айтиб берган эртани нима ҳақда эканлигини сўраш ва уни тўлиқ гапириб беришга ундаш орқали бола хотирасини чиниқтириш мумкин.

Ёши еттига етиб қолган бола катталарнинг сўзини бўлмасдан, уларнинг гапига аралашмай, ўзига гапираётганда диққат-этибор билан тинглайдиган бўлиши керак. Унинг кўпчилик орасида яшаётганлиги, атрофдагиларга ҳалақит бермай, аксинча, уларга ёрдамлашиши, одоб-ахлоқи бўлиши кераклиги ҳақида тез-тез эслатиб туриш зарур. Бордию, бола ўзини тутта билмаса, мактабга борганида синфдошлари билан тўғри муносабатда бўла олмайди, жамоа билан чиқиши кийин бўлади.

Болага ёшлиқдан раҳмдиллик, ўзидан кичикларга ёрдам берадиган, ўйинчоқларини бошқалар билан баҳам кўрадиган ҳислатларни сингдира бориш орқали унда атрофдагиларга нисбатан эътибор билан қараш ва ҳақтўйлик каби фазилатларни ривожлантира борган бўласиз.

Шу билан бирга болани бўлар-бўламаса мактаб, кўкка ҳам кўтариб юбормаслик керак. Акс ҳолда у ҳамманинг диққат-эътиборида бўлишга кўникиб қолади. Мактабга борганда бошқа болалар билан муносабатини яхшилаш олмаганидан серзарда, урушқоқ бўлиб қолиши, ҳаммани ўзига жалб қилолмаганидан ҳеч ким билан дўстлашолмай қолиши мумкин. "Ман-ман"лик каби ёмон одатлар катта бўлганида ҳам унга панд беради. Хулоса қилиб айтганда, бола турли-туман воқеалар таъсирида ўсиб-ўлғаяди, онги тараққий этади. Илоҳ, болани мактабга бормасдан анча илгари уни мактабга тайёрлай бориш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Шундагина фарзандларининг эзгу камолини кўриб, мамнун бўлиш бахтига эга бўласиз.

Қ.АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари
доктори, профессор

ЁШИ ЭТТИГА ЕТИБ ҚОЛГАН БОЛА

ОДОБ-АХЛОҚ МАЛАКАЛАРИГА
ЭГА БЎЛАДИ

4-мақола

ёшида мантиқ, фалсафа, бошланғич математикадан илк тушунчага эга бўлган ва Қуръонни жарангдор овозда ёддан айтган. Демак, буюк ҳаким мусиқани идрок этганлиги учун унинг овози ўта ёқимли бўлган.

Жуфт шеърый асари билан Мавлоно Лутфийни ҳайратга солганида Алишер Навоий эн-



театри, кинолар яхши восита вазифасини ўтамоқда. Республикада болалар операси ҳам ташкил этилса яхши бўларди.

Бола диққатини марказлаштиришнинг тарбияда ҳам, таълимда ҳам аҳамияти катта. Диққат барча руҳий жараёнларни бирлаштиради. Диққат туфайли бола катталар сўзини, ўқитувчиларни ва тенгдошларини тинглайди, идрок қилади. Лекин кичик ёшдаги болаларнинг диққатини бир нарсага жалб қилиш қийин, мураккаб. Фақат қизиқарли, унга тушунарли ва ёққан нарсалар ҳақида гапиришганда ёки гапнинг моҳиятини тушунсагина у диққат билан тинглайди. Ҳаётда бир умр диққати марказлашмаган инсонларни ҳам учратиш мумкин. Улар ҳамма нарсага бепарво, доим хаёл суриб, гамгин юраверадилар.

ўқув қўлланмаларига кўпроқ болаларга завқ-шавқ улашувчи ихчам матнлар, шеърый парчалар, тез айтиш кабиларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар учун яратиладиган бадий адабиётлар, кино сценарийлари, мультфильмлар иложи борица кулгули тарзда тузилиши, улар ҳам таълим бериш, ҳам болани қувноқ руҳда тарбиялаш воситаси бўлиши лозим. Шунингдек, болаларнинг сеvimли газетаси "Тонг юдузи", "Гунча" журналларидан ташқари "Қувноқмиз — қувонамиз" ёки "Сўз ўйини қулди-рар", "Жарангласин кулгулар" каби журналлар ташкил этиш-ни тавсия қилардик. Ота-оналар, педагоглар ҳам ўзларига маъқул номларни тавсия этишларини сўрардик.

Баркамоллик бола билан мулоқот жараёнида аста-секин



рофдан келаётган турли товушлар: сувнинг шилдираши, қушлар сайраши, қўй-қўзиларнинг

дигина 9 ёшда эди. Алишернинг куй-қўшиққа бўлган ихлосига тарихчилар "Алишер шеър

Моҳидаҳон Усмонова — муассаса етакчи мураббийси,
"Шухрат" медали соҳиби:

— Онадан соғлом ва бенуқсон туғилган бола, албатта, у ёки бу даражада қобилият эгаси бўлиши аниқ. Ана ўша фазилатларни болаларда қанчалик эрта аниқлаб, уларга етарли эътибор берилса, сўзсиз уларнинг янги қирралари кашф этилади.

Муассасамиздаги эрта-индинга мактабда таълим оладиган болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, ёши кўникмаларини ҳосил қилиш, турмушда муомала маданиятини шакллантириш каби ҳислатларни чуқурроқ илдиэ оттиришга эътибор қаратаёلمиз.

Бир мисол, тарбиячимиз Муяссархон Мирҳамидова ноанъанавий машғулотиш жараёнида мавзунини ҳаёт ва давр билан боғлаш мақсадида "Обод маҳалла йили" муносабати билан ҳар бир ўғил-қизни ўзи яшаб турган маҳалласи ҳақида ҳикоя қилиб беришга ўргатаёпти. Бунинг учун эса Муяссар кўп изланиб, гуруҳидаги тарбияланувчиларнинг яшаётган кўчалари ва маҳалласи тўғрисида тўлиқ маълумот олишга интилаяпти. Тайёрлов гуруҳи етакчиси Лолахон Шарипова ўтказаятган "Меҳмон-меҳмон", "Шифохонада", "Дорихонада", "Савдо дўкониди", "Оилада" каби ўйин машғулотларининг ҳам самараси сезилаёпти.

Яна бир ҳамкасбимиз логопед-педагог Зебохон Мавлонованинг ҳар бир бола билан яккама-якка, хилма-хил, такрорланмас машғулотлар ташкил этиши нутқи нуқсонли болалари бор гуруҳлар учун энг қулай усулдир. Мана шу ва бошқа тарбиячилар тиниб-тинчимаслиги сабаб ҳам ҳар йилги битирувчиларимиз, албатта, тумандаги 8-ўрта мактаб ва гимназия мактабиди ташкил этилаётган иқтидорли болалар синфларида таҳсил олиб, пешқадамлик қилаёпти.

Адҳамжон Сотиболдиев — туман марказий шифохонаси рентген хонаси мудири:

— Менинг фарзандларимнинг мазкур боғчага қатнаши учун у анча нуқулай ҳудудда жойлашган. Лекин, шунга қарамай уч ўғлим

ТАГЗАМИН ПУХТА ВА ПИШИК БЎЛСА

самара
албатта кўринади

Бугунги кун таълимида зеҳни ва қобилияти баробарроқ бўлган болаларни бир гуруҳ ёки синфда ўқитиб тарбиялаш, ўзини оқлаётган усуллардан саналади. Шу боисдан, мактабгача таълим муассасаларида ҳам иқтидорли гуруҳларни ташкил этиш тажрибаси ва унинг ўзига хос ижобий томонлари ҳақида билиш учун Чортоқ туманидаги 19-«Наргиз» МТМ ходимлари ва соҳага тегишли мутахассислар маълумотларини олдик.

— Беҳзод, Шерзод, Бунёдлар "Наргиз" мактабгача таълим муассасида дастлабки тарбияни кўришган. Ҳозир ўғилларимнинг каттаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатган. Шерзод эса НамДУнинг инглиз тили факультетида "аъло" баҳо-лар билан ўқиб, талабалар жамияти раҳбари даражасига кўтарилди. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлмаслиги аниқ. Бунинг энг бош зами-ни болалар боғчасида пишиқ ва пухта таълим-тарбия берилгани-да, деб биламан.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Зоҳидаҳон Болтабоева — 8-ўрта мактабнинг бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим муди-раси:

— Биз муаллимлар қатор йиллардан бери "Наргиз"да таълим-тарбия олган ўғил-қизларни ҳеч иккиланмай иқтидорли болалар синфига қабул қилаётганимиздан афсусланмаймиз. Шуниси эътиборлики, ҳар жиҳатдан мукамал тайёрланган бу боғчанинг тарбияланувчилари нафақат бошланғич, балки юқори синфларда ҳам ўзлаштириш борасида пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда. Уларнинг аксарияти туман ва вилоят фан олимпиадаларида гоили-ликни эгаллашмоқда. Бу борадаги ижобий ишларни кўргач, мактабимиз жамоаси, айниқса, бошланғич таълим мутахассисларимиз МТМда тез-тез бўлишиб, керакли йўл-йўриқларни бериб туришади.

Муҳиддин Нишонов — туман халқ таълими бўлими муди-рининг муовини:

— Муассасанинг мақсади, болалардаги мавжуд истеъдодни янада сайқаллаб, ҳар бир тарбияланувчи билан индивидуал тарзда ишлашдир. Уларнинг бу хайрли ишлари бошида роппа-роса 31 йилдан бери мудирилик қилиб, раҳбарлик масъулиятини оқлаётган Кимёхон Абдурахмонова турибди. Зеро, раҳбар биринчи ўринда ишни ташкил этувчи ҳисобланади.

Ушбу фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, боғчада ноқ бола-ларни ўз қобилиятларига қараб иқтидорли гуруҳларда тарбиялаш фақат бугун эмас, келажакда ҳам ўзини оқлайди.

Асқарали МАМАТОВ

Hay'at yig'ilishida

Бугун Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча муассасалар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган муайян ишларни амалга оширмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва республика Бош прокуратурасининг ҳамкорликдаги режасига асосан, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказилиб, ўқувчи-ёшлар иштирокида содир этилган ҳар бир жиноят атрофлича таҳлил этилмоқда.

Шундай бўлса-да, жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича тузилган комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм, Бухоро вилоятларида ўтказилган текширувлар натижасида ўқувчилар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, таълим-тарбия жараёнида яхши ташкил этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда бир қатор камчиликлар аниқланди. Шунинг учун бу борада Халқ таълими вазирлигида ўтказилган навбатдаги ҳай'ат йиғилишида куйидаги камчиликлар муҳокама қилинди. Республикада ўқувчи-ёшлар ва ўқитувчи-

№	Вилоятлар	2002 йил (6 ой)	2003 йил (6 ой)
1.	Тошкент шаҳри	154	107
2.	Тошкент	64	44
3.	Самарқанд	25	37
4.	Сирдарё	8	15
5.	Жиззах	6	7
6.	Бухоро	13	16
7.	Навий	17	16
8.	Фарғона	44	64
9.	Андижон	33	33
10.	Наманган	15	38
11.	Сурхондарё	14	11
12.	Қашқадарё	23	23
13.	Хоразм	3	17
14.	Қорақалпоғистон Республикаси	6	13
	ТИИБ	5	3
	ЖАМИ	430	444

лар асосида ўтказиш, замонавий жиҳоз ва кўргазмали куруллардан фойдаланишга кам эътибор берилган. Мактабдан ташқари таълим муассасалари биноларининг Қорақалпоғистон Республикасида 16 таси, Бухоро вилоятида 2 таси, Хоразм вилоятида 14 таси таъмирга муҳтож. Яна Хоразм ҳақида тўхталсак, вилоятда ўқувчиларни мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўғарақларга жалб қилишда эътиборсизликка йўл қўйилган. Масалан, Ҳазорасп туман болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида машғулотлар вақти нотўғри режалаштирилган. Ўқувчилар асосан биринчи сменада таълим олишса-да, тўғарақ машғулоти ҳам биринчи сменага белгиланганлигини қандай тушуниш мумкин. Урганч шаҳридаги "Ёш техниклар" ижодиёт марказида ўқитувчиларнинг 1 нафари ўрта махсус, 4 нафари ўрта маълумотли бўлиб, 20 та тўғарақда уларнинг мутахассисликлари умуман тўғри келмайди. Хусусан, тикувчи, ҳисобчи, радио-техника тўғарағида бошқа соҳа мутахассислари машғулоти ўтиб келган. Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида эса машғулоти ўтказиш лозим бўлган вақтда тўғарақларга ҳеч ким қатнашмаган. Энг қизиғи, марказ раҳбари неча тўғарақ борлиги ва уларга қанча ўқувчи жалб этилганлиги ҳақида маъ-

ЁШЛАР ВА КУТУБХОНА

Навоий вилоят маданият ишлари бошқармаси тасарруфидagi шаҳар ва туманлар марказлашган кутубхоналари тизимларида "Энг яхши китобхона оила" кўрик-танлови ўтказилиши аънава айланган.

Галдаги танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан куйи босқичларда ғолиб топилган оилалар иштирок этишди. Энг қувончлиси тадбирга тайёргарликлар жараёнида вилоят кутубхонаси тизими-

Mutolaa

даги 253 кутубхона аъзоларининг сони ортиши баробарида китоб мутолаасига ҳам ижобий ўзгаришлар сезилди. Айниқса ёшларнинг фаоллиги, изланувчанлиги "Китоб ва китобхона" мавзуси атрофида мантикий фикрларни кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Оила аъзоларининг давра атрофида ўқиган китоблари юзасидан мулоҳаза юритиши қандай яхши. Чунки танлов шартларига кўра иштирокчилар ўқиган асарлари юзасидан саҳна кўриниши тайёрлашади. Хозиржавоблик баҳси ҳам асосан бадиий асарлардан олинади, қатнашчиларнинг сўз бойлиги эътироф этилади.

2002 йил ўтказилган "Энг яхши китобхона оила" кўрик-танловининг республика босқичида Навоий вилоятдан иштирок этган Ашурматовлар оиласи ғолибликни қўлга киритган эди. Бу йил эса республика танловида иштирок этиш ҳуқуқи Зарафшондаги 1-шаҳар кутубхонасининг оилавий китобхона бўлган Бозоровларга насиб этди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

МУАММОЛАР ТАҲЛИЛГА ТОРТИЛДИ

лар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш, турли хилдаги диний оқимларга берилиб кетиш ҳоллари ортиб бормоқда. 2002 йилнинг 6 ойига нисбатан 2003 йилнинг ўтган ярим йили мобайнида вояга етмаганлар томонидан ва улар иштирокидаги жиноятлар сони 430 тадан 444 тага ортган.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотида кўра, Сурхондарё вилояти Жаркўрғон туманидаги 25-мактабнинг 10-синф ўқувчиси И.Тўраев ўз уйи олдида ўзаро жанжал оқибатида 36-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Р.Пирназаровнинг биқинига пичоқ билан тан жароҳати етказган, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 17-мактаб ўқувчилари ўртасида 2003 йил 6 март куни ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда А.Орипов ва Р.Зариповлар ёнидан 4,52 грамм "гашиш" моддаси топилгани қайд қилинган. Энг ачинарлиси, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 14-мактаб ўқитувчиси А.Абдуллаев ўз уйида ҳар бир grammi 800 сўмдан, жами 11,25 грамм марихуанани Отамуродовга, Кўшкўпир туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси И.Ибрагимов Х.Отаязовга 0,37 грамм бўлган героин моддасини 25 минг сўмга сотаётган вақтда қўлга олинганлар.

Наманган вилоятида эса сўнгги 2 йил ичида 55 нафар педагог ходимлар жиноят содир этганликда айбланиб, судланганлар. Шуларнинг 15 нафари кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш жиноятларини содир этганлар. Мисол учун, Наманган тумани халқ таълими бўлими ҳисобчилари А.Фафоров, Ж.Мамасолиев ва Ж.Сатторовлар томонидан иш ҳақида тўланиши лозим бўлган маблағдан 15 миллион сўм ўзлаштирилган. Шу ерда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ахборот марказининг маълумотида асосан 2002-2003 йилларнинг олти ойи мобайнида мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятчиликнинг аҳоли тўғрисидаги жадвали келтириб ўтсак:

Энди бевосита жойлардаги таълим-тарбия самарадорлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Одатда иxtisoslashtirilgan maktab ўқувчилари ўз қобилиятлари билан тенгдошларидан ажралиб туришди, лекин фан олимпиадаларининг Хоразм вилоят босқичида Урганч шаҳридаги 5-сонли, Янгибозор туманидаги 9-сонли иxtisoslashtirilgan maktab ўқувчиларининг бирортаси 76 балл тўғлай олмаганлиги ачинарли ҳол. Янгибозор туманидан вилоят олимпиадасида қатнашган 43 нафар ўқувчининг атиги 1 нафари 76 балл тўғлаган, холос.

Вилоятнинг айрим туманларида фанларни ўзлаштириш ўта паст даражага тушиб қолган. Урганч шаҳрида 7-синф ўқувчилари жаҳон тарихи ва география, миллий истиклол ғояси, маънавият асослари фанидан ўқув дастурларини давлат таълим стандарти талаблари даражасида ўзлаштира олмаганлар. Шундан кўриниб турибдики, жойларда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни ўқишга қабул қилишга юзаки қаралиб, тест синовлари ҳам номига ўтказилган.

Республиканинг бошқа ҳудудларидаги кўпгина иxtisoslashtirilgan maktab таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳам билим даражаси юқори эмас. Жумладан, 2001/2002 ўқув йилида ўтказилган республика фан олимпиадаларида иштирок этган 53 нафар ўқувчидан 10 нафари 2002/2003 ўқув йилида эса 77 нафар иштирокчидан 16 нафари совринли ўринларни эгаллашган, холос.

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида эса 2 йилдан буён мактаблардаги таълим самарадорлиги мониторинги амалга оширилмаган. Халқ таълими бўлими томонидан мактабларда ўқувчилар давомати, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, тўғарақлар фаолияти, жамоатчилик ишлари ва таълим самарадорлигини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлар таҳлили ўтказилмаган.

Фарғона вилоятининг айрим таълим муассасаларида дарсларни янги педагогик технология-

лумотга ҳам эга эмас.

Вилоят мактабларининг 28 тасида курилиши тугалланмаган, 290 таси ичимлик суви билан таъминланмаган. Бухоро вилоятида муқаддам ўтказилган текширишларда таълим соҳасида иш ҳақи тўлаш бўйича қарздорлик танқид остига олинган бўлишига қарамай, бундай вазият ҳозирда ҳам мавжуд. Иш ҳақи ва ижтимоий нафақалар тўлови бўйича 727 млн. сўмлик қарздорликни қоплаш юзасидан кескин чоралар кўрилмаган.

Наманган вилоят мактабларининг 262 тасида эса спорт зали мавжуд эмас. 156 тасидаги спорт заллари таъмирталаб аҳволда.

Вилоятда ҳукумат қарорига асосан таълим тизими тасарруфига ўтказилиши лозим бўлган мактабгача таълим муассасаларининг 23 таси авария ҳолатида, 26 таси таъмирга муҳтожлиги боис, уларнинг фаолияти тўхтатилган.

Андижон вилояти халқ таълими муассасаларида яқка тартибдаги ўқитилаётган ногирон ўқувчилар учун бириктирилган 838 нафар педагогларнинг 738 нафарига Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.1994 йилдаги 490-сонли қарорига асосан ставкаларига қўшимча 50 фоиз иш ҳақи Булоқбоши туманидан ташқари биронта шаҳар ва туманларда тўланмаган.

Юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилмаса келажақда қанчалик салбий оқибатлар вужудга келиши ҳай'ат йиғилишида тўлиқ муҳокама қилинди. Унда иштирок этган Халқ таълими вазири Р.Жўраев масалаларни ижобий ҳал қилишда тегишли чоралар кўриш кераклиги бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилиш баёнини бевосита сизга тақдим этишимиздан асосий мақсад, қаламга олинган таълим муассасаларини танқид қилиш эмас, балки бошқа муассасаларда ҳам шундай ҳолатлар кузатилишининг олдини олишдир.

Шерзод АХМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ватан мудофааси ва уни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи. Ана шу маънода қаҳриқ-қача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги барча ўқув муассасалари олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан бири саналади. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан «Умумий

ўйинлар ҳақида маълумотлар бериб бориш керак. 3-4-синфларда эса, Ватан ҳимоячилари кунига атаб ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар ўтказиш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. 5-6-синфларда ўқувчиларни шу ҳудудда истиқомат қилаётган уруш фахрийларининг жасоратлари билан таништириб борилса, хизмат вазифасини ўтаган аскар, зобитлар, меҳнат фахрийлари билан

рини оталиққа олишни йўлга қўйиш ҳам ёшларда Ватан посбонларига бўлган ҳурмат ҳиссини оширади. 9-11-синфларда мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг тинчликни сақлаш борасида олиб бораётган сиёсати, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида давра суҳбатлари, амалий учрашувлар ташкил этилади. Ёзги, киши таътилларида музейлар

лар ибратлидир. Туманда қаҳриққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари 42 та умумтаълим мактабларида ва иқтидорли болалар лицей-интернатида амалга оширилиб, уларга 5195 нафар ўқувчи жалб этилган.

Қаҳриққача ёшларни тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари томонидан ҳамкорликда тасдиқланган дастур асосида амалиётга татбиқ этилмоқда. Туманда 43 нафар ЧЕТ фани раҳбарлари фаолият кўрсатапти. Уларнинг 36 нафари олий, 7 нафа-

тасида навбатчилик вазифасини амалий ўрганиш жойи, 21 тасида курулни тозалаш ва мойлаш жойлари мавжуд.

Туман бўйича мактаблар ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақанинг вилоят босқичида Жиззах туман жамоаси ўтган йили фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тумандаги 1, 5, 16, 25, 36, 38-мактаб раҳбарлари, ЧЕТ дарси ўқитувчилари ўз ишларини белгиланган низом талаблари асосида олиб бормоқда. Мазкур мактабларда ёшларни қаҳриққача тайёрлаш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шаҳар ва тумандаги ҳарбий қисмлар, ҳарбий билим юртлари, мудофаа ишлари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти

Туман халқ таълими бўлими туман мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда ҳарбий билим юртларида ўқишни хоҳловчилар билан учрашув ва семинарлар ташкил этмоқда. Унда бўлажак аскарларга ўзлари истаган ҳарбий билим юртлари ҳақида батафсил маълумотлар берилапти. Вилоят халқ таълими бошқармасининг ҳарбий дала машғулотларини ўтказиш ҳақидаги буйруғига асосан тумандаги мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида 11-синф ўқувчиларининг уч кунлик дала машғулоти ўтказилиб, унга 2150 нафар ўқувчи жалб қилинди. Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш борасида ўтказилаётган тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Айни кунда тумanning 12 нафар йигити республикамизнинг турли ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга жиддий эътибор берилмоқда. Чунки, шу азиз Ватан барчамизники. Уни ҳимоя қилиш йигитларнинг шарафли бурчи. Ватанимизнинг қудрати ва унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш эса мудофаа тизимларининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Шундай экан, Ватан мудофаасига тайёр туриш, ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давр талабидир.

З.САТТОРОВ,
Жиззах ВХТБ ДТСМ
бўлими бош назоратчи
услубчиси

ВАТАНПАРВАРЛИК

БОЛАЛИКДАН

БОШЛАНСА...

ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини бажариш борасида умумий ўрта таълим мактабларида қаҳриққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш, шу асосда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида Жиззах вилоятида ҳам кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг назаримизда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бошланғич синфлардан бошланмоғи мақсадга мувофиқ. Бунинг учун куйидагиларга асосий эътиборни қаратиш зарур. 1-2-синфларда давлатимизнинг рамзлари ҳақида тарбиявий соатлар, суҳбатлар ўтказиб туриш яхши самара беради. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлиги учун фойдаси хусусида суҳбатлар ўтказиб, ҳарбий

учрашувлар ташкил этилса айтиш мумкин бўлади. Шунингдек, «Ҳеч ким, ҳеч нарсаси унутилмайди», «Ўзбекистонимизнинг куруллик кучлари», «Тинчлигимиз посбонлари» мавзуларида тарбиявий соатлар ўтказиш ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

7-8-синфларда ўқувчиларни Ўзбекистон Куруллик Кучларининг жанговар ва меҳнат анъаналари билан таништириш керак. Мардлик, жасорат дарсларини ўтказиш, бу дарсларга уруш ва меҳнат фахрийларини тақлиф этиш ўзгача аҳамият касб этади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, хизматда ҳалок бўлганларнинг оилалари, ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг кекса ота-онала-

ри, ҳарбий қисмларга, ҳарбий ўқув юртларига экскурсиялар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ватан ҳимоячилари кунини, ҳарбий қасамёд қабул қилиш, Хотира ва қадрлаш кунини каби тадбирларда ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш ҳар қачонгидан муҳимроқ аҳамият касб этади.

Бу борада Жиззах туман халқ таълими бўлими умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган иш-

ри ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлиб, ҳозирда уларнинг малакасини оширишга эътибор кучайтирилган. Сўнгги йилларда уларнинг 16 нафари вилоят миқёсида ва 2 нафари республика малака ошириш курсларида ўқиб келдилар.

Айни пайтда 35 та умумтаълим мактабларида жиҳозланган ҳарбий хона, 28 та мактабда отиш тири, 33 тасида саф машғулоти учун майдон, 4 тасида тўсиқлар майдончаси, 34

ҳамкорлигида турли тадбирлар ўтказилди. Бу мусобақаларда 16, 38-мактаб ўқувчилари фаол қатнашиб, ғолиб деб топилдилар. Ана шу мактабларда «Ёш мерганлар», «Ёш техниклар», «Ёш топографлар», «Аниқ нишонга отувчилар» тўғрақлари ташкил этилиб, ўқувчиларни ҳарбий амалий ишга ўргатиш, уларни ҳарбий хизмат қилишга тайёрлашнинг самарали усулларида фойдаланилмоқда.

Nuqtai nazar

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилаётгани бизни қувонтиради. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий соҳадаги ютуқлари ўша мамлакат аҳолисининг билим даражасига мувофиқ равишда кўринади.

Ўзбекистонда таълим тизимини молиялаштиришга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон жаҳоннинг кўпгина мамлакатларини орта қолдиради.

Албатта, бундай катта харажатларнинг ўзига хос сабаблари бор. Хусусан, бунга сабаб, аҳолининг катта қисми 25 ёшгача, яъни айтиш ўрта-маҳсус ва олий ўқув юртларида ўқийдиган ёшда эканлигидир. Республикада таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга оширилиши, жумладан ушбу дастурда кўзда тутилган лицей ва коллежлар қурилиши, таълим харажатлари тизимида ўрта маҳсус ва профессионал таълим ҳиссасининг ошгани каби омилларни ҳам тилга олиш мумкин.

Бироқ, республикамизда бюджет харажатларининг деярли учдан бир қисми таълимга ажратилаётганига қарамасдан, бу ушбу соҳа эҳтиёжларини қондиришга етарли эмас. Бу харажатларни янада ошириб боришга эса бюджет имкониятлари чекланганлиги ҳалақат бермоқда.

Мавжуд аҳолидан қандай қутулиш мумкин, деган саволга жавоб топиш учун ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат қилганимизда, дунё

мамлакатларининг аксариятида нодавлат таълим муассасалари фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга дунёнинг ҳеч қайси мамлакатиде таълимнинг нодавлат тизими давлат таълим муассасалари ўрнини эгалламаётгани, аксинча, уни тўлдирётгани ва таълим сифатини оширишга ёрдам бераётганини кўришимиз мумкин.

Бизда нодавлат таълим муассасаларини шакллантиришга эҳтиёж бор-

нима вазифани бажаради ва кимларга мўлжалланади, унинг қандай ижобий хусусиятлари мавжуд, деган бир қатор саволлар туғилиши табиий. Ундан ташқари, айримларда нодавлат таълим тизими пуллик шаклда олиб борилса, уларда фақат бойларнинг болалари ўқир экан-да, деган фикр ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Авваламбор шуни таъкидлаш лозимки, биз мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқли бўлган фуқаролик

ва тарбияланувчилар сонини кўпайтириш шарт эмас, бу эса болани унинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, индивидуал ёндашиш, айрим фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш имкониятини пайдо қилади. Бу ўқув ва тарбия муассасаларига энг илғор ва тажрибали педагогларни жалб этиш мумкин бўлади. Бундай таълим даргоҳларида иқтидорли ўқувчиларга ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул

1999 йилда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қароридан кейин республикамизда мактабгача таълим тизимида нодавлат ўқув муассасалари пайдо бўла бошлади.

Мактабгача таълим муассасаларида дастлабки қадамлар қўйилаётган бўлса-да, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳуна ва олий таълим соҳаларида ҳали бундай ҳулосага келишга эрта. Чунки бундай ўқув даргоҳларида лицензия бериш ва уларни давлат аккредитациясидан ўтказишнинг тартиби ишлаб чиқилмаган.

Аҳоли ўртасида ҳам бу тадбирни қўлловчилар етарли даражада топилади. Масалан, юқори синф ўқувчиларининг аксарияти қўшимча дарс берувчи ўқитувчиларга, яъни репетиторларга боришади. Ана шу маблагларни нодавлат таълим тизимини ривожлантиришга йўналтириш мумкин. Бинобарин, давлат олий ўқув юртлари барча хоҳловчиларни ўз бағрига сиғдира олмайди.

Бугунги кунда контракт асосида ўқувчи талабалар бюджет таълимидигиларга нисбатан кўп. Демак, аҳолининг бир қисми пуллик ўқишга кўника бошлади ва ушбу соҳани ривожлантириш долзарб масала бўлиб қолди.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам таълим тизимини фақатгина давлат ҳисобидан юқори даражада ривожлантириш мумкин эмаслигини англаб етишган. Бошқа давлатларда нодавлат таълим тизими анча ривожланган. Чунки, бу тадбир таълим сифати ва молиявий аҳолини яхшилаш борасидаги самарали воситадир.

И.АБДУРАХМОНОВ,
ТДИУ «Ўзбекистон тарихи»
кафедраси катта ўқитувчиси

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖАМИЯТДА УНГА ЭҲТИЁЖ БОРМИ?

ми, деган савол туғилиши мумкин. Бундай саволга куйидагича жавоб беришимиз мумкин: жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар нодавлат таълим муассасаларини шакллантиришга эҳтиёж туғдирмоқда.

Бунга кишиларнинг сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларининг ошиши, таълим муассасалари орасида хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақобат муҳитини шакллантириш, жамиятдаги айрим гуруҳларнинг (миллий, касбий, ижтимоий, ота-оналар ва ҳоказо) ўз эҳтиёжларини қондира оладиган таълим муассасаларига нисбатан қизиқишларининг ортиб бориши ҳам сабаб бўлади.

Шу ўринда, нодавлат таълим муассасалари шунчалик зарурми, улар

жамияти қурмоқдамиз. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш одатий ҳолга айланиб борапти. Шу жиҳатдан олганда, нодавлат таълим муассасаларини кўпайтиришга йўл очик. Бундай муассасаларнинг шаклланиши таълим соҳасига қўшимча маблагларнинг кириб келишига имкон яратади. Нодавлат таълим даргоҳлари давлат таълим муассасаларидан фарқ қилиб, замонавий ўқитиш моделларини фаоллик ва тезкорлик билан жорий этиб, таълим тизимидаги барча ўзгаришларга ҳозиржавоблик қила олади. Нодавлат таълим муассасаси хусусий бўлиши шарт эмас. У давлат таълим стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Бундай муассасаларда ўқувчилар

таълим берилиши, уларга турли имтиёзлар кўрсатилишини шарт қилиб қўйиш керак. Уларга кетадиган харажатларни давлат грантлари, субсидиялари, ҳомийлик ёрдами ёки ана шу даргоҳнинг ўз харажатлари ҳисобидан қоплаш мумкин.

Нодавлат таълим муассасалари албатта, давлат назоратидаги даргоҳ ҳисобланади. Бунинг бир қатор самарали усуллари мавжуд. Масалан, аввало, ўқув режаларининг давлат стандартларига мос келиши, ўқув даргоҳининг лицензия олиши, унинг бошқа ўқув даргоҳлари орасидаги рейтингини, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш ва ҳ.к. Албатта, ушбу ўқув даргоҳи лицензия олаётган вақтида барча бандлари бажарилиши мажбурий бўлган шартнома тузлади.

Xalqaro hamkorlik

Маълумки, мамлакатимиз таълим тизимида кечаётган туб ислохотларда халқаро ҳамкорлиқнинг ўзига хос ўрни бор. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти билан Германиянинг "InWent" жамғармаси ўртасида имзоланган шартнома асосида дастлабки қадамлар бошланди. Аслида айтиш шунки жамғарма филолият юритиб, республикаимиз билан касб-хунар таълими соҳасида 1993 йилдан бери самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Билсозлик мутахассисликлари бўйича 72 нафар мультипликаторлар бевожита Германиянинг нуфузли таълим муассасаларида стажировкадан ўтади. Бу лойиҳа учун Германия ҳукумати 1 млн.200 минг евро миқдорида маблағ ажратган. Лойиҳани амалга ошириш учун ЎМКХТ ривожлантириш институти томонидан республикаимизнинг барча ҳудудларидан танлов асосида касб-хунар коллежларида ишлаётган ёш педагоглар жалб қилинмоқда. Улар дастлаб институтимизнинг барча шароит-

Германияга жўнатиладиган номзодлар сонини оширишга муваффақ бўлди.

Яқинда биринчи қалдирғочларимиздан барчаси 6 ойлик немис тили курсини муваффақиятли тамомлаб, Гёте университетининг ишончини қозониб, халқаро сертификатга эга бўлдилар. Бу ёш ўқитувчиларимиз қанчалик тиришқоқ эканининг яна бир ҳаётий далили. Чунки, немис тилини ўрганиш курси бошланган пайтда улар алфавитдан бошқа ҳеч нарсани билмасдилар. Ҳозир эса немис тилидан эркин таржима қила оладилар. Шу ойда 15 нафар металлурни қайта ишлаш бўйи-

ТАЖОВУЗ

Япониянинг Хиросима шаҳрида атом бомбардимони қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликка тажовуз қилинди. Нурланиш касаллигидан 1955 йилда кўз юмган Садако Сасаки хотирасига қўйилган ёдгорликка 1 августта ўтар кечаси ёвуз кимсалар томонидан ўт қўйиб кетилди.

Японлар ақидасига кўра, қоғоздан минг донна турна ёки бошқа турли шакллар ясаган киши бaxт ва омадга мушарраф бўлади. Беморнинг яқинлари ҳам шифо тилаб турна ясаши удумга айланган. Садако Сасаки эса турналиш умидида 644 турна ясаган улгурганди. Оригама санъати деб

қилиб юборишдек кечирилмас жиноятдир. Қолаверса, мазор мақомидан бўлган жойга қамидан ҳурматсизлик қилиш инсонга хос иш эмас.

Шу йил баҳоридан Кунчиқар мамлакатга сафар чоғида мазкур ёдгорликда ҳам бўлиб, мурғак қизчанинг, қанча-қанча одамларнинг умидлари, умрлари ха-

зон бўлганини эшитиб ларзага келгандим. Юртбошимиз жаҳон миқёсида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида илгари суриб келаётган эзгу ташаббуслар аҳамияти, ҳикмати нақадар улғу эканига яна бир бор амин бўлгандим.

Ўтганлар руҳига атаб мен ҳам бир неча қоғоз турна ясагандим. Балким ёниб кетган турналар ичида ясаганларим бордир. Бироқ менинг ҳам, бошқаларнинг ҳам кўнглида тинчликка, барқарорлик, дўстликка интилиш сўнгани йўқ ва сўнмайдиям. Айниқса, терроризм, ақиданарастлик каби иллатлар қора кўланка ташлаб турган айти пайтда.

Элбек ХОЛИҚОВ,
журналист



Воқеа жойига етиб келган ўт ўчирувчилар қоғоз турналарнинг ярминигина асраб қололди, холос. Инсоният учун аччиқ сабоққа айланган бу даҳшатли воқеага 58 йил тўлишига бағишлаб 6 августда ўтказилажак маросим арафасида содир этилган бу қилмиш ёвуз ниятда қасддан амалга оширилгани аниқ. Полиция бу разил қилмишни содир этган ва кузатув камерасида "муҳрланган" уч нафар шахсни қўлга олди.

аталувчи бу юмуш билан шуғулланмайдиган японни топиш амри маҳол. Оригама бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Ҳозирда 17 давлатда оригама ассоциацияси фаолият кўрсатаётир.

Ахборот агентликларининг маълум қилишича, Хиросима полицияси бу воқеани вандализмдан бошқа нарсга эмас, деб таърифламоқда. Вандализм — моддий ва маданий ёдгорликларни йўқ

МАЛАКА ОШИРИШ
УЧУН ГЕРМАНИЯГА

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шу кунгача бевосита касб-хунар таълими тизимида ишлайдиган ўқитувчиларнинг 300 нафаридан зиёди Германияда ва мамлакатимизда ташкил этилган турли-туман семинар-тренингларда қатнашдилар. Айниқса, 2000 йилдан кейинги даврдаги ҳамкорлик ишларининг жонла-нишида мазкур жамғарма томонидан ЎМКХТРИга жўнатилган халқаро эксперт, доктор Ҳабибурахмон Ҳабибнинг хизматлари жуда катта бўлмоқда. Унинг бевосита ташаббуси билан иқтисодиётимизнинг энг муҳим соҳаларига зарур бўлган мутахассис кадрлар малакасини ошириш бўйича қатор ишлар қилинди. Жумладан, ЎМКХТРИ ҳамда Германиянинг "InWent" жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига асосан металлурни қайта ишлаш, санитария техникаси, инфор-мацион технологиялар ва автомо-

лар яратилган шинам хоналарида Германиянинг Гёте университети билан ҳамкорлик шартномасига асосан 6 ой давомида немис тилини ўрганмоқдалар. Ўзбекистонлик педагог кадрларнинг немис тилини ўрганишида Гёте университети-нинг тажрибали ўқитувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Дарсни ўзлаштиришга қандай талаб қўйилган бўлса, имтиҳонга ундан ҳам қаттиқроқ талаб қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илм олиш учун ҳадисда айтилгандай "бешиқдан қабргача билим ол" қабилида иш тутилиши шарт. Биз нима учун немис тилини ўрганиш жараёни-ни айтиш институтимизда ташкил қилдик? Бунга республикаимизда педагог кадрларни ўқитиш учун сарфланадиган харажатлар Германияга нисбатан арзонга тушиши асосий сабаб бўлди. Шу тариқа, иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан

ча мутахассисларимиз Германияга жўнаб кетмоқдалар.

Бизнинг саралаб олган педагогларимиз Германиянинг Золленген шаҳридаги хунар билим юртининг устахоналарида амалий дарсларни, малака ошириш институтида эса педагогика, психология, касбий педагогикага оид бир қанча фанларни ўқийдилар. Яна қувончли томони шуки, айтиш шунки малака ошириш институти директори, профессор доктор Венц жано-блари шу йил Тошкент шаҳрига ташрифи давомида бизнинг замонавий касб-хунар коллежлари-мизнинг бир нечасида бўлиб, Ўзбекистон таълим тизимидаги бундай ўзгаришларга юқори баҳо берди.

Абдувахоб ИКРОМОВ,
Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти ректори, профессор

САДДАМНИНГ
ҚИЗЛАРИ
ИОРДАНИЯГА
КЕЛИШДИ

Саддам Хусайннинг Роҳат ва Раъно исмли қизлари 9 нафар фарзандлари билан Абу-Дабидан Оммонга келишди. Иордания қироли Абдулла II нинг айтишича, уларга сиёсий бошпана бериш билан оддий араб аёллари сифатида Роҳат ва Раъноларга инсонпарварлик кўмаги кўрсатилмоқда, холос. Шу пайтга қадар Бағдодда яшаган собиқ президент қизлари эндиликда Иордания пойтахтида кучайтирилган қўриқлаш хизмати остида яшайдилар. Уларнинг умр йўлдошлари эса 1995 йил Ироқдан Иорданияга қочиб ўтишган, сўнгроқ орадан бир йил ўтиб алдов йўли билан яна Бағдодга қайтариб олиб кетилган эдилар. Афсуски, кетилган Саддам Хусайн ўз куёвларини хоинликда айблаб, ўлдиртириб юборган эди.

6 нафар фарзанди бўлган Саддам Хусайннинг биринчи хотини Сожида Хайраллах Телфахдан дунёга келган ўғиллари Удей ва Кусейлар 22 июль куни махсус операция

чоғида ўлдирилган бўлса, Роҳат ва Раънодан ташқари учинчи қизи Халанинг тақдирини номаълумлигига қолмоқда. Шунингдек, уларнинг оналари Сожида Телфахнинг ҳам қаерда эканлиги ҳақида хабарлар йўқ. Саддам Хусайн иккинчи хотини Самира Шабандардан ҳам бир ўғил (Али) кўрган бўлиб, тахминларга кўра ҳозирда Али отаси билан бирга яшириниб юрган бўлиши керак.

Айни пайтда Саддам Хусайннинг изидан тушган Американинг "Команда-20" бўлинмаси тахминича, у ташқи киёфасини ўзгартириб, севимли имиджи бўлган мўйловини олиб ташлаган ҳамда соқол ўстириб, оддий ироқ кишиси кўринишига кириб олган бўлиши мумкин. Лекин, унинг хавфсизлик нуқтаи назаридан бир жойда 4 соатдан ошқ турмаётганлиги ҳам айтилмоқда. Ўғиллари Удей ва Кусейларни ўлдиришда ёрдам берган кишига 30 млн.доллар (ҳар бири учун 15 миллиондан) берган Вашингтон, Саддамнинг ўзи учун 25 миллион доллар мукофот эълон қилган эди. Бугун эса унинг тирик ҳолда ушланиши шарт эмаслиги маълум қилинмоқда. Бироқ, разведка

маълумотлари Саддам тансоқчилар хизматидан фойдаланаётганлигини, шунингдек, бордию иттифокчилар қуршовига тушиб қолса, асир тушмаслик учун ўзини-ўзи ўлдириб юбориш мақсадида портловчи моддалардан иборат камар тақиб олганлигидан ҳам дарак беради.

22 июль куни Мосул шаҳрида ўлдирилган Удей ва Кусейлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, ҳозирда иттифокчилар ихтиёрида турган жасадларни Америка Ироқнинг Бошқарув Кенгашига беришга қарор қилган. Саддам Хусайн қариндошлари эса марҳумларни исломий урф-одатлар билан дафн этиш учун берилишини сўрамоқдалар.

АЌСҚАРЛАР ОРАСИДА
НОМАЊЛУМ
КАСАЛЛИК

Ироқдаги АҚШ маъмурияти раҳбари Пол Бремер мамлакатни қайта тиклаш учун 50 млрд. доллардан 100 млрд. долларгача керак бўлиши мумкинлигини айтган. Унинг



билдиришича, яқин йиллар ичида Қўшма Штатлар тикла-ниш жараёнлари учун Ироқнинг нефть экспортидан тушадиган даромаддан кўра, катта миқдорда бўлган маблағни ажратиш ниятида. Бироқ ҳозирча аниқ суммани айтиш мушкул. Чунки бугун Ироқда беқарор вазият ҳукмрон.

Ироқда турган Америка аскарлари орасида эса номаълум касаллик тарқалган бўлиб, ҳозирча бу хасталикка 20 нафар ҳарбий чалинган ҳамда уларнинг 2 нафари ҳаётдан кўз юмган. Касаллик номаълум пневмониянинг бир кўриниши бўлиб, у одамнинг буйрак, жигар организмлари-га салбий таъсир этиши ва пайлар тортилишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирда касалликка чалинган аскарлар Германияга олиб кетилган.

ТИНЧЛИКПАРВАР
КУЧЛАР
КИРИТИЛАДИ

Ғарбий Африка давлатлари раҳбарлари душанба куни халқаро тинчликпарвар кучларни Либерияга жўнатишни режалаштирмоқдалар. Уларнинг фикрича, келгуси ҳафтада президент Чарлз Тейлор мамлакатни тарк этади. Ўтган душанба куни Монровияга келган ҳарбий экспертлар ҳозирга қадар вазиятни ўрганишган бўлиб, бугун улар Либериядан чиқиб кетадилар. Либерияга тинчликпарвар кучлар киритиш бўйича резолюция лойиҳасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим



этан Қўшма Штатлар ҳам бугун ўзининг ҳарбий кемаларини ушбу мамлакат қирғоқларига келтириб қўяди.

"Интернет" тармоғидан олинди.

Ko'ngil bitiklari

КИШЛОҒИМ

Гўзал водий узра ёйилса шамол,
Анорли боғларнинг сочин силайди.
Майсалар қиларлар бош эгиб таъзим.
Кушлари чуғурлаб бахтлар тилайди.
Бу менинг қишлоғим, дилни этар ром,
Ҳавоси тозаю сўлим, ҳаётбахш
Масканим қўйнида олассиз ором,
Меваси дармону суви шифобахш.
Сойкелди номи-ла машхур маҳаллам,
Бир келинг, дўстларим, бизнинг

қишлоққа,

Биз тортиқ этайлик жаннат мевасин.
Ихтиёр тополмай бундан кетмоққа
Сурасиз, чаманзор юрт нашадасин.

ТИЛАК

Алпкомат баҳодир қўлни қўлга бер,
Кел, бир зум ёнимга дунёни унут.
Нозик туйгулардан гулдасталар тер,
Қалбинг ардоғини энтиқишла кут.
Алпкомат баҳодир қўлни қўлга бер.
Юракда чакнасин оташ муҳаббат,
Юксак чўққиларга элтсин момо ер,
Ортада қолсин ўша севгисиз хилқат.
Алпкомат баҳодир қўлни қўлга бер.
Куёшга интилма, куёш ягона.
Мудроғинг тарқатиб, эътиборинг бер,
Ўзин парчалайди, фақат парвона.
Алпкомат баҳодир қўлни қўлга бер,
Шодлик билан тўлсин беғубор қалбинг.
Кўкдаги тўлин ой бахтинг тилаб дер:
Элинг ардоқласин, қўлсин иқболинг.

Лолахон ИМИНЧАЕВА,
Кува туманидаги
12-мактаб ўқитувчиси

Talqin

Бадий адабиёт барча замонларда ҳам ўз тарбиявийлик аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кун ҳам адабиёт аҳли зиммасига айнан шундай талабни қўймоқда. Замон руҳига мос, замонамиз қахрамонларининг характер хусусияти ва фазилатларини акс эттирадиган, муаммоларни ёрита оладиган, шунингдек, миллийлик руҳидаги тарбиявий аҳамиятга эга асарлар кераклиги, шубҳасиз. Санъатшунос олим Тилаб Маҳмудов ва таниқли журналист Дилбар Маҳмудоваларнинг қаламига мансуб "Умр шомиди бахт" лирик драматини шундай фойдали асарлар сирасига киритиш мумкин. Асар тақдирот жараёнидаёқ томошабинлар ва мутахассислар эътиборини қозонди. Унда бир пансионатда бўлиб ўтган ҳаётини воқеа-ҳодисалар маромига етказиб, бадийлаштирилиб акс эттирилган. Шунингдек, асардаги соф ўзбекона турмуш тарзи, ундаги миллий менталитетга хос муаммоларнинг қўйилиши айнан бугунги кун талабидан келиб чиққанлиги ҳам эътиборга молик ва бу асарнинг ютуғидир.

Ҳар бир таом ёки нарсаси ўз вақтида тансиқ бўлганидек, "Умр шомиди бахт" ҳам миллий истиқлол ғоясини одамлар онгига синдириш жараёнида замонавий миллий қахрамонларга эҳтиёж сезилган, қолаверса, "Обод маҳалла" йилида яратилганлиги билан ҳам долзарбдир. Му-

аллифлар асарда мақсадни тўғри қўя билган. Сабаби меҳр — мол-дунё, обрўнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши ва уларнинг талқини асосли тарзда ўз исботини топган. Ҳаётда моддий жиҳатдан ҳеч ками бўлмаган, аммо меҳрга таъна инсонлар йўқ эмас. Афсуски, ҳамма ҳам бундан бирдек тушуниб етмайди. Чунки аксарият одамлар мол-дунё, ҳою-ҳавасни бирламчи билиб,

шишда, маърифат ва маънавият сингари юксак тушунчаларнинг бирламчи ўринга қўйилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Табиийки, ана шу ўринда адабиёт билан педагогиканинг ҳамкорлиги бошланади.

Таъсирланиш ва таъсир. Муаллифларнинг ўзлари аввал ҳаётдаги реал воқеалардан таъсирланиб, кейин уни қайта ижодий руҳда ишлаб, ўзгаларга туҳфа этган ҳолда уларни таъсирлантиради. Бадий ижод — руҳий жараён. У том маънода муаллифнинг ўз қалб қўридан самимий аснода вужудга келсагина, таъсирчан бўлади ва бошқаларга ҳам юқади. Мухлисни ҳаяжонлантиради, кулдиради, ачинтиради, қазаблантиради, муҳими, уни тарбиялайди, яъни ўз ортидан эргаштиради. Ёмонликни қоралайди. Яхшиликка даъват этади.

Чунки санъатнинг таъсирчан, самарали омил эканлиги шубҳасиз.

Бугунги кунда турмуш тарзимизни қонунларга таяниб шакллантиришда жамиятимизда миллийлик билан омукташган замонавий тарбияга эҳтиёж катта. Тарбия эса эркин тарзда одамлар онгига ихтиёрий таъсир қилиш йўли билан амалга оширилса, яхши самара беради. Шундай экан, мазкур лирик драма ўзида долзарб муаммоларни кўтарганлиги билан томошабинларга маълум маънода мураббийлик қилса, ажабмас.

Азиза МУХСИЕВА,
Республика «Оила» илмий-амалий
Маркази тадқиқотчиси

ЯХШИ АСАР
ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ

меҳрни унутиб қўядилар ва натижада кўп ҳолларда бу хато уларга қимматга тушади. Муносабат билдираётганимиз мазкур асар ҳам айнан шу мавзунини ўзида қамрагани боис диққатга сазовордир.

Адабиёт муайян маънода педагогика билан ҳамкорлик қилади. Айнан шу ҳамкорлик жамиятда катта аҳамиятга эга. Зотан юқоридаги асарнинг таҳлили жараёнида шуни кўриш мумкин. Бугун инсон тафаккури асосий объект саналган, яъни одамлардаги эскича фикрлардан халос бўлиб, миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига синдиришдек масъулиятли ва муҳим вазифани уйдлашмишда бу каби асарларнинг фойдаси тегиши, шубҳасиз. Чунки мақсадга эри-

“БОЛА ВА
КЕКС”

Поезд кичкина бир бекатда тўхтабди. Битта йўловчи деразадан ташқарига қараса сотувчи аёл кекс сотаётган экан. Йўловчи кексни жуда егиси келибди. Лекин бориб олиб келишга эринибди. Шунда у бир боладан кекс неча пул туришини сўрабди.

Бола кекс 3 пенсе туришини айтибди.

Йўловчи боладан кекс олиб келишини илтимос қилибди ва болага 6 пенсе бериб, болага айтибдики биттасини менга, иккинчисини эса ўзинг ейсан дебди.

Бироздан сўнг бола кексни еб орқасига қайтибди ва йўловчига у ерда фақатгина битта кекс қолган экан уни едим. Мана сизга 3 пенсе.

“АҲАМИЯТИ
ЙЎҚ”

Бетси кичкина қиз, эндигина 5 ёшга тўлган. У ҳали мактабга чиқмайди, ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. Унинг опаси бор. Мери 4-синфда ўқийди.

Бир кун опаси Мери Бетсининг дарсхонада қоғозга бир нималарни ёзаётганини кўриб қолади ва ундан сўрайди:

— Бетси нима қилаёпсан?


— Мен ўртоғим Киттига хат ёзаяпман, — дея жавоб берди Бетси.

— Лекин сен ёзишни билмайсан-ку? — сўради опаси.

— Сизга тўғриси айтсам, опажон, ёзишни билишим шарт эмас, бунинг аҳамияти йўқ, чунки ўртоғим Китти ҳам ўқишни билмайди, — жавоб берди Бетси.

Умида ИСМОИЛОВА,
таржимаси

«МАРС» ДИАГОНАЛ КРОССВОРДИ



ЎНГА: 1. Геометрик шаклнинг ташқи юзаси. 2. Қир. 3. Йиртқич дарё балиғи. 4. Бисот сақланадиган уй-рўзгор буюми. 5. Иншоот. 6. Ҳарбий техника. 8. Хунарманд. 10. Ўзбек тасаввуф шоири. 12. Ҳарбий бўлинма. 14. Ёзув курсиси. 16. Баҳор байрами. 18. Ой номи. 20. Тасвирий санъат асари. 23. Бол. 24. Егулик, овқат. 25. Карвонбоши. 26. Кўтарма йўл. 27. Тўқимачилик ашёси. 29. Намозга чақирув. 31. Сув транспорт.

ЧАПГА: 1. Тоқат, бардош. 2. Юздаги тириш. 3. Наманган вилоятидаги шаҳар. 4. «Вақт ва тақдир худоси», сайёра, Зухал. 5. Шеъринг вазн. 7. Турк эстрада юлдузи. 9. Экин экиладиган кенг майдон. 11. Зиён-заҳмат. 13. Футболнинг 45 минутли ўйналадиган қисми. 15. Бош мақсадни ифодаловчи қисқа шаклдаги қаҳир. 17. Банди, қул. 19. ... Кристиан Андерсен. 21. Қадимги огирлик ўлчови. 22. Олий ҳакам. 23. Косметик суюқлик. 25. Сидирга газламага гул тикиб тайёрланган уй-рўзгор буюми. 26. Ўзбек халқ бахшиси. 28. Ердан кейинги сайёра. 30. Ёзма иш тури. 32. Ота, падар.

Тузувчи: Орифжон МАДВАЛИЕВ



Ангрен шаҳридаги 21-ўрта мактаб томонидан 1985 йилда Устьянова Светлана Владимировна номига берилган АЗ № 822961 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС

ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ
таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва
ўрта махсус таълим
вазирлиги, Таълим ва фан
ҳодимлари касба
уюшмаси Марказий
Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Хулкар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Қўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-726.
Тиражи 19380. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Қамолдин АЛИОХУНОВ.
Навбатчи:
Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш
таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

М БЕЛГИСИ ОСТИДА РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ БЕРИЛАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янги-
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим
янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касба йўнали-
тириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топириш вақти — 21.00.
Топирилди — 21.00